

**Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “O`zbekiston MTRK Mediamarkazi”
давлат муассасаси ва “Toshkent” teleradiokanali” давлат муассасаси ўртасида
2022 йилнинг I чораги учун тузилган**

ШАРТНОМА № 8

“М” январь 2022 й.

Тошкент ш.

“O`zbekiston MTRK Mediamarkazi” давлат муассасаси (кейинги ўринларда Ижрочи деб аталади) номидан Уставга асосан иш юритувчи директор **Ф. Каримов** бир томондан ва “Toshkent” teleradiokanali” давлат муассасаси номидан (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) Уставга асосан иш юритувчи директор **Н.Мўминов**, иккинчи томондан, биргаликда “Тарафлар”, алоҳида эса – “Тараф” деб аталувчилар ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. Шартнома предмети

1.1. Ижрочи Буюртмачининг барча тизимларига телерадиомахсулот ишлаб чиқариш ва эфирга тайёрлашда **телевизион дастурларни яратиш ва намойиш қилиш фаолияти бўйича хизмат кўрсатиш**, Буюртмачи эса кўрсатилган хизматларни қабул қилиб олиш ва лозим бўлган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади

II. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- ҳар қандай вақтда Ижрочининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажарилаётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш;

- мазкур шартнома ва буюртмага мувофиқ кўрсатиладиган техник хизматларни тегишли сифатига эга бўлишини талаб қилиш;

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ўз вақтида ПТЭ-2000 қоида ва талабларига асосан Ижрочига кундалик дастур жадвалини, ҳафталик иш жадвалини, техника воситаларидан фойдаланиш учун буюртмаларни, барча техник воситалар иш ҳажмлари бўйича чорак режаларини, (чорак бошланишига 30 кун қолганда), аппаратхоналарни ойлик иш режаларини (ойнинг 14 кунигача), хизмат турлари бўйича аниқ ва равшан кўрсатган ҳолда топшириш;

- ПТЭ-2000 талабларига асосан амалга ошириладиган буюртмадаги техник хизматларини бажариш учун топшириш;

- фойдаланиш учун ажратилган техник воситалардан, хоналардан, мебель, телефон аппаратлари ва бошқа моддий бойликлардан фойдаланилаётган давр мобайнида тўлиқ моддий жавобгарликни ўз зиммасига олиш. Етказилган моддий зарарни амалдаги қонунчиликка асосан қоплаш;

- фойдаланилган техник воситалар, хоналар ва бошқа моддий бойликлар ҳамда қабул қилиб олинган техник хизматлар учун ҳар ойда ўрнатилган тартибда ҳақ тўлаш.

- соат (22-00 дан 06-00гача) кўрсатилган техник хизматлар учун тасдиқланган тарифнинг 1,3 баробари миқдорида ҳақ тўлаш.

- ҳар ойнинг режа ва ҳақиқий иш ҳажми бажарилишини қайд этиш журналларида кўрсатилган ҳақиқий бажарилган иш ҳажми билан таққослаш асосида назорат қилиб бориш;

- Ижрочи томонидан хизмат сафарига жўнатилаётган техник ускуна ва ходимларнинг хавфсизлигини тўлиғича ўз зиммасига олиш.

- техник воситалардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида пайдо бўлган бузилишларни бартараф этишни ўз ҳисобидан амалга ошириш;

- техникадан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинмаган ҳолатлар Буюртмачи иштирокида Ижрочи томонидан тузиладиган далолатномада акс эттирилади.

2.3. Ижрочининг ҳуқуқлари:

- кўрсатиладиган техник хизматлар учун Буюртмачидан мазкур шартномага мувофиқ олдиндан тўловни амалага оширишни ҳамда хизматлар кўрсатилганидан сўнг тўлиқ ҳисоб-китоб қилишни талаб қилиш;

- кўрсатилган техник хизматларни қабул қилишда асоссиз равишда бош тортган ҳолларда етказилган зарарни Буюртмачидан қоплаб беришни талаб қилиш;

2.4. “Ижрочи”нинг мажбуриятлари:

- Буюртмачининг топшириқларини тасдиқланган режа доирасида техник воситалар, муҳандис-техник ходимлар, ҳамда ишчи-хизматчилар ёрдамида мазкур шартномада белгиланган техник хизматларни сифатли бажариш;

- кўрсатилган техник хизматларни Давлат, тармоқ стандартлари, (ПТЭ-2000 қоидалари) ва расмий ҳужжатлар асосида амалга ошириш;

- ажратилган хоналарнинг тозалигини, телефон, соат ва бошқа жиҳозларнинг доимий ишлаб туришини таъминлаш;

- барча техник ускуналарини сақлаш, эксплуатация қилиш ва техник ҳолатини талаб даражасида бўлишини таъминлаш;

- техник ускуналарни ўз вақтида ва белгиланган муддатда профилактика қилиш ва ажратилган маблағ доирасида капитал таъмирлаш ишларини бажариш;

- барча аппаратхона ва студияларни буюртма асосида ишлашини таъминлаш;

III. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

3.1. Буюртмачининг техник ускуналардан фойдаланган ҳажми ва вақтлари аппаратхона журналларида қайд этилиб, икки тараф вакиллари томонидан имзоланади ва бу бирламчи расмий ҳужжат деб ҳисобланади.

3.2. Агар кўрсатилган техник хизматлар сифатсиз бажарилган бўлса, унда тарафлар бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш жараёнида расмий ҳужжат тузадилар, бу ҳужжатларда аниқланган камчиликлар кўрсатилади, уларни бартараф этиш усуллари ва муддатлари белгиланади.

IV. Шартнома баҳоси ва ҳисоб-китоблар тартиби

4.1. Шартноманинг умумий баҳоси бюджет маблағлари ҳисобидан 2022 йилининг I чораги учун ҚҚС билан – 73 300 000,00 (Етмиш уч миллион уч юз минг) сўмни ташкил қилади.

4.2. Кўрсатилган техник хизматларнинг қиймати Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан тасдиқланган тарифга асосан ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар бўйича тўланади. Тариф нарх-наво ўзгаришига ва маошларни индексациясига қараб қайта кўриб чиқилади.

4.3. Ижрочи кўрсатилган техник хизматлар харажатлари қайд қилинган ҳужжат (ҳисоб-фактура)ни ва ойлик ҳисоботни “Буюртмачи”га ҳар ойнинг 3-санасигача топширади.

4.4. Буюртмачи келишилган ойлик ҳисоботни ҳар ойнинг 10-санасигача Ижрочига тасдиқлаб топширади.

4.5. Буюртмачи Ижрочига кўрсатиладиган техник хизматлари учун 30% миқдорида олдиндан тўловини жорий ойнинг 20 санасигача амалга оширади. Қолган 70% тўлов ҳар ой якуни бўйича тарафлар ўртасида имзоланадиган бажарилган ишлар далолатномаси асосида амалга оширилади.

4.6. Буюртмачи кўрсатиладиган техник хизматлардан фойдаланиш тўловини чорак якуни бўйича Ижрочининг хизматлари учун деб ажратилган маблағлар доирасида Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан тасдиқланадиган график, тарафлар ўртасида

тузилган баённомалар ва улар асосида имзоланадиган далолатномалар бўйича тўлиқ амалга оширади.

4.7. Буюртмачи томонидан Ижрочиға Шартнома баҳосини тўлаш Ижрочининг мазкур Шартномада кўрсатилган ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4.8. Буюртмачи техник воситалардан режада кўрсатилгандан ортиқ фойдаланса, тўлов ҳақиқий бажариладиган иш ҳажми миқдорида тўланади.

4.9. Ижрочи томонидан Буюртмачиға хизмат сафари учун ажратилган техник воситаларнинг кунлик иш ҳажми 12 соатдан ҳисобга олинади.

4.10. Буюртмачи хизмат сафари бўйича буюртмани, хизмат сафари бошланадиган кундан камида 3 кун олдин муддат ичида, ёзма билдиришнома асосида бекор қилиши мумкин. Акс ҳолда Ижрочининг хизмат сафарига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ барча сафар харажатларини белгиланган тартибда қоплаб беради.

4.11. Қуйидаги ҳолатларда техник хизматлар иш ҳажмига киритилмайди ва ҳақ тўланмайди:

- Ижрочининг айби билан содир этилган техник тўхташ вақти учун;
 - Ижрочининг айби билан чўзилиб кетган иш вақтига;
 - Буюртмачи техник воситалардан фойдаланиш қондасида қайд қилинганидек ўз вақтида Ижрочини огоҳлантириб, бошқа вақтга кўчирилган ёки ўзгартирилган иш учун;
- Эслатма: - Ижрочининг айби билан иш тўхтаб қолса ёки ўзгартирилса, режалаштирилган иш Буюртмачи билан келишилган ҳолда ва уларга қулай вақтда Ижрочи томонидан бажарилади.

4.12. Иш ҳажмига киритиладиган ва ҳақ тўланадиган асослар:

- Буюртмачининг айби билан техник хизмат вақти кечикса ёки вақт узайтирилса.
- Буюртмачининг айби билан ПТЭ-2000 да кўрсатилган вақтдан кейин буюртма бекор қилинса.

4.13. Буюртмачи томонидан техник-технологик хизматларга буюртма берилганда, фақат юк автотранспорт воситалари ёрдамида катта габаритли техник воситаларни жойигача етказиб бериш бўйича ёрдамчи махсус автотранспорт воситалари учун сарфланадиган харажатлар Ижрочи томонидан қопланади.

V. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Кўрсатиладиган техник хизматларнинг белгиланган муддатлари кечиктириб юборилган ва тўлиқ амалга оширилмаган ҳолатларда Ижрочи Буюртмачиға кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

5.2. Кўрсатилган техник хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Буюртмачи Ижрочиға муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Шартноманинг шартини бузганлиги учун пеня тўлаш, шунингдек, етказилган зарарни қоплаш тарафларни шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.4. Жарима, пеня тўланганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди.

5.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни нормаларига асосан белгиланади.

VI. Низоларни ҳал қилиш тартиби

6.1. Мазкур шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар тарафларнинг ўзаро келишуви билан ҳал қилинади.

6.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар Тошкент туманлараро Иқтисодий Суди томонидан кўрилади.

VII. Форс-мажор ҳолатлари

7.1. Тарафларга боғлиқ бўлмаган фавкулотда ҳолатлар (сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳолатлар) содир бўлиши оқибатида шартномада кўрсатилган мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаса, тарафлар жавобгарликдан озод этиладилар. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.02.2005 й. №63-сон Қарори).

VIII. Қўшимча шартлар

8.1. Тарафларнинг манзили, корхона номи, ҳисоб рақами ўзгарганда ҳамда хизматлар ҳажми ўзгаришига таъсир этувчи омиллар пайдо бўлганда бир тараф иккинчи тарафга 10 кун муддат ичида ёзма маълумот беради.

8.2. Шартнома 2022 йилнинг 01 январидан 2022 йилнинг 31 мартигача амал қилади.

8.3. Шартномага қўшимчалар киритиш ва уни ўзгартириш фақатгина тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан амалга оширилади.

8.4. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, бир нусхаси Буюртмачида, иккинчи нусхаси Ижрочида сақланади.

IX. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

Ижрочи:

“O‘zbekiston MTRK Mediamarkazi”
давлат муассасаси

100011, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 2-уй
Х/р: 2021 0000 2049 2287 6001 “Алоқабанк”
ОАТБ амалиёт бошқармаси
МФО: 00401
СТИР: 207 113 157
ОКОНХ: 93180

Буюртмачи:

“Toshkent” teleradiokanali”
давлат муассасаси

«TOSHKENT» TELE- va RADIOKANALI» DM
100011 Toshkent sh., Navoiy k. 100. Tel: 71 214-13-51
Sh/h.r. 400 110 860 262 777 004 200 137 010
STIR: 206 018 647 OKED: 60200
O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi
C‘aznachiligi amaliyot boshqarmasi
H/r 2340 2000 3001 0000 1010
Toshkent sh. HKQM Markaziy bank bosh boshqarmasi
MFO: 00014 STIR: 201 122 919



Директор

Ф. Каримов

М.Ў.

Директор

Н. Мўминов

М.Ў.

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик
юритувчи субъектлар фаолиятининг
шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги
Қонунига мувофиқ, мазкур шартнома
имзолашга тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон
миллий телерадиокомпаниясининг Юридик
бўлимида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди

Шайх Мамбуров
(имзо юристининг Ф И Ш)

per № 23 «11» 01 2022 й

"КЕЛИШИЛГАН"
"O'zbekiston MTRK Mediamarkazi"
давлат муассасаси
директори
Ф.Каримов

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
"Toshkent" teleradiokanali
давлат муассасаси
директори
Н.Муминов

"Toshkent" телерадиоканали"нинг 2022 йил телекўрсатувлар бўйича I чорак иш режаси

01.01.2022 й. дан

№	Кўрсаткичлар	Тариф (сўм)	Январь	Февраль	Март	I чорак	маблаг ҚҚСбилан
1	Студия№2(1000)						
	Таёргарлик	289141	13	13	13	39	11 276
	Тасвир ёзиш	395099	5	5	5	15	5 926
2	Студия№3(1000)						
	Таёргарлик	291259	10	10	10	30	8 738
	Тасвир ёзиш	406459	6	6	6	18	7 316
3	Монитор	16228	30	30	30	90	1 461
4	Катта хажимдаги девор монитори	34571	30	30	30	90	3 111
5	SONY 42,5mp камера объектив билан	56303	50	50	50	150	8 445
6	Камера экшн	30760	30,0	30,0	30,0	90	2 768
7	DSLR фотокамера EOS5D Mark-4	10296	120,0	120,0	120,0	360	3 707
8	DJI Phantom 4 PRO+квадрокоптер	56795	37,0	37,00	37,000	111	6 304
9	ARRISUN12-1200 совук ёруғлик прожектори	16752	10,0	10,0	10,0	30	503
10	ДВП ва бошқа хилдаги поллар	3457	90,0	90,0	90,0	270	933
11	DJI Ronin мувозанат сақлаб турувчи қурилма 5кг	10953	30,0	27,1765	30,0	87,177	955
12	DJI Ronin-S 176 В мувозанат сақлаб турувчи қурилма	11808	40,0	40,0	40,0	120	1 417
13	Объектив Canon TS-E 45	29084	50,0	50,0	50,0	150	4 363
14	Товуш ёзиш мосламаси ZOOM H6	10803	30,0	30,0	30,0	90	972
15	Нур қайтаргич	11609	15,0	15,0	15,0	45	522
16	Зум-объективEF 16-35	6910	30,0	30,0	30,0	90	622
17	Фокуси ўзгармас масофали зум объектив 24-105мм	8764	20,0	20,0	20,0	60	526
18	Dracast LED 1100	11326	10,0	10,0	10,0	30	340
19	Объектив85мм	17492	30,0	30,0	30,0	90	1 574
20	ЗУМ-объективEF 24-70мм	8006	20,0	20,0	20,0	60	480
21	Объектив135мм	18883	10,0	10,0	10,0	30	566
22	Фокус масофаси ўзгармас зум объектив EF 50мм	7879	20,0	20,0	20,0	60	473
	Жами: (минг сўм ҚҚС билан)						73 300,00

Директорнинг биринчи ўринбосари

Бош режиссёр

Техника тақсимооти ва таъминлаш
гуруҳи бош мутахассиси

3.Шакиров

3. Турсунов

3.Зокирова